

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ПАРДАЕВ ОБИД РАХИМБОБОВИЧ

**УРУҒЛИК СОЯНИ ДУККАКЛАРИДАН АЖРАТАДИГАН ҚУРИЛМАНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулбаҳор – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Пардаев Обид Рахимбобоевич

Уруғлик сояни дуккакларидан ажратадиган қурилмани ишлаб чиқиш ва
параметрларини
асослаш.....

3

Пардаев Обид Рахимбобоевич

Разработка и обоснование параметров устройства для отделения семенной
сои от
бобов.....

19

Pardayev Obid Raximboboyevich

Development and substantiation parameters device for that separates the sowing
soybean seeds from the
legumes.....

35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

.....

38

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ПАРДАЕВ ОБИД РАХИМБОБОЕВИЧ

**УРУҒЛИК СОЯНИ ДУККАКЛАРИДАН АЖРАТАДИГАН ҚУРИЛМАНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1206 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.uzmei.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Росабоев Абдуқодир Тўхтақўзиевич
техника фанлари номзоди, к.и.х.

Расмий оппонентлар:

Астанақулов Комил Дуллиевич
техника фанлари доктори, профессор

Абдурахманов Абдукарим Атхамович
техника фанлари номзоди, к.и.х.

Етакчи ташкилот:

**Қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини
сертификатлаш ва сиқаш маркази**

Диссертация химояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/13.05.2020.T.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «25» август соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбахор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+998) 70 601-07-04, факс: (+998) 70 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (450 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбахор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+998) 70 601-07-04, факс: (+998) 70 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «13» август куни тарқатилди.
(2021 йил «13» август даги № 12 рақамли реестр баённомаси).



М.Т.Ташболтаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ранси, т.ф.д., профессор

А.А. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

А. Тўхтақўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар ранси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинлари уруғини бошоқ ва дуккакларидан ажратиб олиш учун энергия ва ресурстежамкор ҳамда иш унуми юқори бўлган технологиялар ва қурилмаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. “Сўнгги ўн йил ичида дунё бўйича соя экиладиган майдонларнинг ўртача ўсиши 1,7 фоиз ... ва 122 миллион гектардан ортиқни ташкил этиши”¹ни ҳисобга олсак, соя уруғчилигини тўғри йўлга қўйиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан уруғлик сояни дуккакларидан агротехник талаблар даражасида ажратиб олиш учун иш сифати юқори ҳамда энергия ва ресурстежамкор техника воситаларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Дунёда қишлоқ хўжалик экинлари уруғини бошоқ ва дуккакларидан ажратиб олиш учун ресурстежамкор технология ва уни амалга оширадиган қурилмаларнинг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб оладиган қурилмани ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик иш жараёнида ресурстежамкорликни таъминлаш бўйича мақсадли изланишларни олиб бориш долзарб масалалар қаторига киради. Шунинг учун уруғлик сояни дуккакларидан агротехник талаблар даражасида ажратиб оладиган қурилмани ишлаб чиқиш ҳамда конструктив ўлчамлари ва иш режимларини асослаш муҳим илмий-техник аҳамиятга эга.

Республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинлари уруғини бошоқ ва дуккакларидан илғор технологиялар асосида ажратиб олиш ҳамда юқори унумли қурилмаларни ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш учун кам энергия сарфлаб, барча технологик жараёнларни сифатли бажарилишини таъминлайдиган техник воситаларни ишлаб чиқиш режали равишда амалга оширилмоқда. Шунини ҳисобга олиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодий-иқтисоднинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун “... Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш: ... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш”² вазифаси белгилаб қўйилган. Ушбу белгиланган вазифаларни бажаришда дуккакли экинлар уруғи, жумладан, уруғлик сояни дуккакларидан агротехник талаблар даражасида ажратиб оладиган қурилмаларни техник ва технологик жиҳатдан

¹ <https://yogmoy.uz/ru/post/view?slug=soa-bozorining-202021-jil-mavsu-mi-prognozi-rossia-va-zaon>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

модернизациялаш уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйишда, муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сонли “2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сонли “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3683-сонли “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 апрелда тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал, минтақавий ва ҳудудий муаммоларининг илмий ечимларини тадқиқ қилиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастур” да келтирилган устувор йўналишга мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалик экинлари уруғини янчиб олиш жараёнини тадқиқ этиш ва унинг ривожига В.П.Горячкин, И.Ф.Василенко, М.А.Пустигин, Э.И.Липкович, Г.К.Колганов, Э.В.Жалнин, Н.И.Кленин ва В.М.Халанскийлар хисса қўшган бўлса, дуккакларга ишқалаб ишлов бериш жараёнини тадқиқ этиш ва уни амалга оширадиган техник воситаларни ишлаб чиқиш бўйича М.В.Никонов, И.В.Горбачев, А.Е.Улахович, В.Я.Микотин, В.Е.Панасенко, А.И.Филиппов, П.Г.Мухин ва бошқалар томонидан изланишлар олиб борилган.

Республикада қишлоқ хўжалик экинлари уруғини бошоқ ва дуккакларидан ажратиб олиш жараёни ҳамда уни амалга оширадиган техник воситаларни ишлаб чиқиш билан Ж.Нурматов, Х.Тоғаев, Р.И.Бойметов, К.Д.Астанакулов, С.Мўминов, Ғ.Ғ.Эгамназаров ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Бу тадқиқотларнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган қурилмалар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида муайян ютуқларга эришилган ҳолда амалда қўлланиб келинмоқда. Аммо, ишлаб чиқилган қурилмаларнинг тузилиши мураккаб, энергия ва металл ҳажмдорлиги юқори ҳамда улардан уруғчилик билан шуғулланадиган деҳқон ва фермер хўжаликларида фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Бундан ташқари, ушбу тадқиқотларда дуккакли экинлар уруғини агротехник талаблар даражасида ажратиб оладиган қурилмани ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш бўйича етарли даражада тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот

институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг КХ-Атех-2018-153 “Дуккакли экинлар уруғининг сифат кўрсаткичларини ошириш учун модернизациялаштирилган электр саралагич қурилмасини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш” мавзусидаги (2018-2020) амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади уруғлик сояни дуккакларидан агротехник талаблар даражасида ажратиб олишни таъминлайдиган қурилмани ишлаб чиқиш ҳамда унинг конструктив ўлчамлари ва иш режимларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

соя уруғини халқ хўжалигидаги аҳамиятини ўрганиш ва уни дуккакларидан ажратиб олиш учун тадқиқот йўналишини танлаш;

уруғларни дуккакларидан ажратиб олиш бўйича мавжуд техник воситалар ҳамда ушбу йўналишда аввал бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил этиш;

соя пояси, дуккаги ва уруғининг физик-механик хоссаларини ўрганиш;

уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш технологик жараёнини назарий тадқиқ этиш;

уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб оладиган қурилмани ишлаб чиқиш ва унинг мақбул қийматларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб оладиган қурилманинг техник-иқтисодий самарасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш технологик жараёни ҳамда уни амалга оширадиган қурилма олинган.

Тадқиқотнинг предмети уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш технологик жараёнини ифодаладиган аналитик боғланишлар ва математик моделлар, қурилманинг параметрлари, иш режимлари ва кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, олий математика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ҳамда электр ўлчов асбобларнинг мажмуаси ва амалда мавжуд бўлган меъёрий ҳужжатлар (ГОСТ 33735-2016, ГОСТ 23730-88, ГОСТ 53056-2008, ГОСТ 12042-80, ГОСТ 9669-75 ва ГОСТ 12036-85) да белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

уруғлик сояни дуккакларидан агротехник талаблар даражасида ажратиб олиш учун тузилиши жиҳатдан содда қурилма ишлаб чиқилган;

қурилманинг конструктив ўлчамлари ва иш режимлари соя поялари, дуккаклари ҳамда уруғининг физик-механик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда асосланган;

технологик жараёни ифодаладиган аналитик боғланишлар ва тузилган математик моделлар қурилманинг иш жараёнида савағичларни соя дуккаклари билан ўзаро таъсирлашишига боғлиқ равишда келтириб чиқарилган;

уруғлик сояни дуккакларидан ажратадиган қурилманинг мақбул конструктив ўлчамлари ва иш режимлари уларнинг таъсирида уруғларни

дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги ҳамда шикастланиш даражасининг ўзгариш қонуниятларини ифодалайдиган регрессия тенгламаларини ечиш орқали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

уруғлик сояни дуккакларидан агротехник талаблар даражасида ажратиб олиш учун тузилиши жиҳатдан содда қурилманинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

қурилмадан соя уруғчилиги билан шуғулланадиган деҳқон ва фермер хўжаликларида фойдаланилганда уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш жараёнида сарфланадиган қўл меҳнатига нисбатан иш унумини ошириши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишлар замонавий усул ва ўлчов воситаларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб оладиган қурилманинг синовларини ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кам энергия ва ресурс сарфлаган ҳолда соя уруғини дуккакларидан агротехник талаблар даражасида ажратиб олиш сифатини таъминлаш учун қурилманинг конструктив ўлчамлари ва иш режимлари асосланганлиги ҳамда келтириб чиқарилган аналитик боғланишлар ва математик моделлардан бошқа шунга ўхшаш қурилмаларнинг параметрларини асослашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган қурилмадан соя уруғчилиги билан шуғулланадиган деҳқон ва фермер хўжаликларида фойдаланилганда, уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш жараёнида сарфланадиган қўл меҳнатига нисбатан иш унумини ошишига эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб оладиган қурилмани ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб оладиган қурилмага Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (“Қишлоқ хўжалик экинлари уруғини ажратадиган қурилма”, № IAP 06249 – 2020 й). Натижада, уруғлик сояни дуккакларидан агротехник талаблар даражасида ажратиб олиш учун тузилиши жиҳатдан содда, энергия ва ресурстежамкор қурилманинг конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб оладиган қурилма Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманидаги “Гео Агробизнес” фермер хўжалиги ва Янгийўл туманидаги “Агро Био Холдинг” МЧЖда амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 02/023-4560-сон маълумотномаси). Натижада, уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш жараёнида сарфланадиган қўл меҳнатига нисбатан иш унумини ошишига

эришилган ҳамда уруғларни дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги 98,3 фоиз ва шикастланиш даражаси 1,8 фоизни ташкил этган;

уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб оладиган қурилмани ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари “ВМКВ-Agromash” АЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 02/023-4560-сон маълумотномаси). Натижада, уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб оладиган қурилмани ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та илмий журнал, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога 1 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Масаланинг қўйилиши ва тадқиқот вазифалари**” деб номланган биринчи бобида соянинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, соя етиштириш ва йиғиштиришнинг бугунги ҳолати, соя уруғчилиги ва уни ривожлантириш истиқболлари, уруғларни дуккакларидан ажратиб олиш учун мавжуд бўлган қурилмалар ва уруғларни дуккакларидан ажратиб олиш бўйича аввал бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили тўғрисида маълумотлар келтирилиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг “**Соя поялари, дуккаклари ва уруғларининг физик-механик хоссалари**” деб номланган иккинчи бобида республикада етиштирилаётган “Ойжамол” навли соянинг поялари, дуккаклари ва уруғларини физик-механик хоссаларини ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, дуккакли соя пояларининг металлга ишқаланиш бурчаги ўртача квадратик оғиш $1^{\circ}32'$ ва вариация коэффиценти 4,33 фоизга тенг бўлганда, ўртача $30^{\circ}48'$, соя дуккакларининг металлга ишқаланиш бурчаги ўртача квадратик оғиш $2^{\circ}17'$ ва вариация коэффиценти 6,50 фоизга тенг бўлганда, ўртача $33^{\circ}18'$ ни ташкил этди. Соя уруғининг

узунлигини минимал қиймати 6,8 мм ва максимал қиймати 9,8 мм га тенг бўлганда, ўртача 7,94 мм, энини минимал қиймати 5,7 мм ва максимал қиймати 7,7 мм га тенг бўлганда, ўртача 6,62 мм, қалинлигини минимал қиймати 4,5 мм ва максимал қиймати 6,9 мм га тенг бўлганда, ўртача 5,47 мм ни ташкил этди.

Узунлиги 40 см га тенг бўлган дуккакли соя пояларининг массасини минимал қиймати 8,57 g ва максимал қиймати 38,3 g га тенг бўлганда, ўртача 20,9 g, 1000 dona соя уруғининг массасини минимал қиймати 90 g ва максимал қиймати 200 g га тенг бўлганда, ўртача 140 g, дуккакли соя пояларининг зичлигини минимал қиймати 81,2 kg/m³ ва максимал қиймати 92,3 kg/m³ га тенг бўлганда, ўртача 85,6 kg/m³ ни ташкил этди.


Таъсир кучи натижасида соя дуккакларининг деформациясини минимал қиймати 1,1 мм ва максимал қиймати 1,8 мм га тенг бўлганда, ўртача 1,48 мм ни этган бўлса, таъсир кучининг минимал қиймати 4,3 N ва максимал қиймати 7,7 N га тенг бўлганда, ўртача 6,4 N ни ташкил этди.

Ушбу ўрганилган натижаларни уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш технологик жараёнини назарий тадқиқ этиш ҳамда қурилмани ишлаб чиқишда ҳисобга олиш зарур.

Диссертациянинг **“Уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш технологик жараёнини назарий тадқиқ этиш”** деб номланган учинчи бобида уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб оладиган қурилманинг тузилиши, технологик схемаси ва ишлаш принципи тўғрисидаги маълумотлар ҳамда конструктив ўлчамлари ва иш режимларини назарий асослашга доир тадқиқотларнинг натижалари ёритилган.

Аввал бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили ва патент изланишларнинг натижалари асосида соя уруғини дуккакларидан ажратиб оладиган қурилманинг конструктив ва технологик схемаси ишлаб чиқилди (1-расм).


Қурилманинг ишлаш принципи қуйидагича. У тармоққа уланганда, электродвигатель 10 ҳамда шкивлар 12 ва 14 ёрдамида тасмали узатмалар орқали винтсимон шаклда савағичлар 3 маҳкамланган вал 4 айланма ҳаракатга келади. Шу пайтда дуккакли соя поялари узатиш нови 1 га ташланади. Дуккакли соя поялари узатиш нови 1 дан ғовак цилиндр 2 нинг ичига келиб тушганда, уларга айланаётган савағичлар 3 урилиши натижасида уруғлар дуккакларидан ажралади. Савағичлар 3 валга винтсимон шаклда маҳкамлангани учун, айланиш йўналишида пояларни олдинга қараб ҳам суради. Дуккакларидан ажралмай қолган уруғлар ҳаракат йўналишида бошқа савағичлар 3 га урилиши ва олдинга қараб сурилиши натижасида, тўлиқ ажралади. Дуккаклардан ажралган уруғлар ҳаракат йўналишида ҳамда паррак 15 ҳосил қилган ҳаво оқими таъсирида ғалвирсимон таглик 5 дан ўтиб, рамага ўрнатилган сеткали мослама 7 га тушади. Сеткали мосламага тушган уруғлар майда қипиқлардан тозаланиб, қопларга жойлаш учун бункер 8 да йиғилади. Майдаланган поя ва уқкакларнинг бўлақлари ғовак цилиндр 2 га ўрнатилган махсус чиқариш туйниги 16 орқали ташқарига чиқариб юборилади. Мана шу тарзда, уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш технологик жараёни узлуксиз давом этади.



а) ён томондан кўриниши; б) юқоридан кўриниши
 1–узатиш нови; 2–ғовак цилиндр; 3–савағичлар; 4–вал; 5–галвирсимон таглик; 6–рама;
 7–сеткали мослама; 8–уруғлар учун бункер; 9–майда аралашмалар учун бункер;
 10–электродвигатель; 11–асос; 12 ва 14–шкивлар; 13–ҳимоя мосламаси; 15–паррак;
 16–чиқариш туйниги

1-расм. Уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб оладиган қурилманинг конструктив ва технологик схемаси

Узатиш новининг қиялик бурчаги ва узунлигини асослаш. Дуккакли соя поялари узатиш новидан ғовак цилиндр ичига етказиб берилганда савағичлар таъсирга учрайди. Савағичлар томонидан кўрсатилаётган таъсир кучи натижасида, дуккакларидан ажратилган уруғлар ташқарига қайтиб чиқиб кетмаслиги учун, узатиш новининг тузилиши икки қисм, яъни қия ва тик қисмдан иборат қилиб олинди. Шунинг учун узатиш новининг қия қисми горизонтал текисликка нисбатан маълум бир бурчак остида ўрнатилиши керак. Чунки, соя поялари узатиш новига юкланганда унинг қия қисми бўйлаб ҳаракатланиши лозим. (2-расм).



1–узатиш нови; 2–дуккакли соя пояси

2-расм. Узатиш новининг принципаал ва дуккакли соя поясига таъсир этадиган кучлар схемаси

2-расмда тасвирланган схемадан кўришиб турибдики, узатиш новининг қия қисмида ҳаракатланадиган дуккакли соя поясига оғирлик кучи G , ишқаланиш кучи $F_{\text{три}}$ ва нормал реакция кучи N лар таъсир этади.

Соя поялари узатиш новининг қия қисми бўйлаб ҳаракатланиши учун 2-расмдаги схемага биноан қуйидаги шарт бажарилиши лозим

$$\text{tg } \alpha > f = \text{tg } \varphi \quad (1)$$

ёки

$$\alpha > \varphi, \quad (2)$$

бунда α – узатиш новининг қиялик бурчаги, grad ; f –соя поясини узатиш новининг

сиртига ишқаланиш коэффициентини; φ –соя поясини узатиш новининг сиртига ишқаланиш бурчаги, grad.

Дуккакли соя пояларини физик-механик хоссаларига асосан, ишқаланиш коэффициентининг энг катта қиймати 0,624 га тенг эканлигини ҳисобга олсак, (2) ифодадан узатиш новининг горизонтал текисликка нисбатан қиялик бурчаги 32° дан катта бўлиши кераклиги маълум бўлади.


2-расмга асосан, дуккакли соя поясини узатиш новининг қия қисмидаги ҳаракат тенгламаси ечилиб, баъзи бир ўзгартиришлар киритилгандан кейин, унинг узунлигини ҳаракатланиш вақти ва тезлигига боғлиқ бўлган қуйидаги ифодалар олинди

$$l = \frac{gt_B^2}{2}(\sin \alpha - f \cos \alpha); \quad (3)$$


$$l = \frac{V_B^2}{2g(\sin \alpha - f \cos \alpha)}, \quad (4)$$

бунда l –узатиш новининг қия қисмини узунлиги, m; g –эркин тушиш тезланиши, m/s^2 ; t_B –дуккакли соя поясини узатиш новининг қия қисми бўйлаб ҳаракатланиш вақти, s; V_B –дуккакли соя пояларини узатиш новининг қия қисмидаги тезлиги, m/s.

Ушбу ифодаларда номаълумлар сони иккитадан, яъни (3) ифодада l ва t_B ҳамда (4) ифодада l ва V_B бўлгани учун Кронекер-Капелли теоремасига асосан, улар сонли усулда махсус дастур бўйича ечилди. Олинган натижалар асосида узатиш новининг қия қисми узунлигини дуккакли соя пояларини ҳаракатланиш вақти ва тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари қурилди (3 ва 4-расм).



3-расм. Узатиш новининг қия қисми узунлиги(l)ни дуккакли соя пояларини ҳаракатланиш вақти(t_B)га боғлиқ ўзгариш графиги



4-расм. Узатиш новининг қия қисми узунлиги(l)ни дуккакли соя пояларини ҳаракат тезлиги(V_B)га боғлиқ ўзгариш графиги

3 ва 4-расмда тасвирланган графикларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, улар умумий ечимга узатиш новининг қия қисмини узунлиги 0,47 m га тенг бўлганда, яъни дуккакли соя пояларини ҳаракатланиш вақти 2,1 s ва тезлиги 0,45 m/s ни ташкил этганда эга бўлади.

Узатиш новининг тик қисмини кенглиги билан қурилманинг иш унумини ўзаро боғлиқлигини асослаш. Дуккакли соя поялари узатиш новидан

ишлов бериш жараёнига тикилмасдан етказиб берилиши учун, унинг тик қисми маълум кенгликка эга бўлиши керак.

Узатиш новининг тик қисмининг кенглигини қуйидаги ифода орқали аниқлаш мумкин

$$b_y = V_B \tau \cos \alpha, \quad (5)$$


бунда b_y –узатиш новининг тик қисмини кенглиги, м; τ –узатиш новининг қия қисмини охиридан ғовак цилиндргача бўлган масофани босиб ўтиш учун кетган вақт, s.

(5) ифодага $V_B=0,45$ m/s, $\tau=0,53$ s ва $\alpha=33^\circ$ қийматлар қўйилса, узатиш новининг тик қисмини кенглиги $b_y=0,20$ m га тенг бўлиш кераклиги келиб чиқади.

Дуккакли соя поялари узатиш новининг тик қисмидан тикилмай ўтиб кетади деган шартни қабул қилиб, узатилаётган масса миқдори Q ни қуйидаги ифода билан аниқлаш мумкин

$$Q = \frac{\rho_c V_0 b_y W}{l_c d_c}, \quad (6)$$

бунда ρ_c –дуккакли соя поясининг зичлиги, kg/m^3 ; V_0 –дуккакли соя поясини новга узатиш тезлиги, m/s; W –дуккакли соя поясининг ҳажми, m^3 ; l_c –дуккакли соя поясининг узунлиги, м; d_c –дуккакли соя поясининг ўртача диаметри, м.




1. $\rho_c = 80 \text{ kg/m}^3$; 2. $\rho_c = 85 \text{ kg/m}^3$;
3. $\rho_c = 90 \text{ kg/m}^3$

5-расм. Дуккакли соя пояларининг зичлиги (ρ_c) ни ҳар хил қийматларида қурилманинг иш унуми (Q) ни узатиш новининг тик қисмини кенглиги (b_y) га боғлиқ ўзгариши

(6) ифодага $l_c=0,4$ м; $V_0=0,1$ m/s; $d_c=0,034$ м ва $W=0,00024$ m^3 қийматларни қўйиб, дуккакли соя пояларининг зичлигини ҳар хил қийматида қурилманинг иш унумини узатиш новининг тик қисмини кенглигига боғлиқ ўзгариш графиклари қурилди (5-расм).

5-расмда тасвирланган графикларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, дуккакли соя пояларини зичлиги ўртача 85 kg/m^3 ва узатиш новининг тик қисмини кенглиги $0,2$ м га тенг бўлганда қурилманинг иш унуми $0,03 \text{ kg/s}$ ни ташкил этади. Соя уруғини пояга нисбати $1:1,6-1:1,7$ га тенг бўлишини ҳисобга олсак, дуккакларидан ажратиб олинган уруғ бўйича қурилманинг иш унуми ўртача $0,01818 \text{ kg/s}$ ёки 65 kg/h ни ташкил этади.

Уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш учун талаб этиладиган кучни асослаш. Қурилманинг технологик иш жараёнида соя уруғини дуккакларидан ажратиб олишни тасаввур қилиш учун савағичларни дуккаклар билан ўзаро таъсирини тадқиқ этиш керак. Бунинг учун савағичлар томонидан дуккакларга кўрсатилаётган таъсир кучи F_T натижасида уруғларни ажралиш жараёнини кўриб чиқамиз. Таъсир кучи F_T натижасида соя дуккаклари сиқилиш ва чўзилиш деформацияларига учрайди (6-расм).



1–савағич; 2–соя дуккаги
6-расм. Савағич билан соя дуккагини ўзаро таъсирлашиш схемаси

дуккагини y ўқи бўйича деформацияси, m ; $M(y_2)$ –таъсир кучи натижасида дуккакни сиқадиган куч momenti, $N \cdot m$; $J(y_2)$ –дуккакни y ўқиға нисбатан инерция momenti, m^4 .

(7) ифодани икки марта интеграллаб ҳамда бошланғич шартлардан фойдаланиб, таъсир кучи натижасида соя дуккакларининг деформациясини топиш учун қуйидаги ифодани оламиз

$$x_2 = \frac{F_{эл}}{\pi ER} \left[2 - \frac{2R - y_2}{R} \ln \frac{2R - y_2}{R} - \frac{y_2}{R} \ln \frac{y_2}{R} + 2 \ln \frac{2R - y_2}{R} \right] + \left(\frac{2F_{эл}}{\pi ER^2} \right) y_2 - \frac{4F_{эл}}{\pi ER}, \quad (8)$$

бунда R –соя дуккагининг ўртача мидал радиуси, m .

Агар савағичлар томонидан соя уруғини дуккакларидан ажратиб олиш учун сарфланадиган максимал таъсир кучи F_T уларни фақат эни бўйича сиқишга сарфланса, яъни $x_2 = x_{2max}$ ва $y_2 = 0$ бўлса, (8) ифода қуйидаги кўринишга келади

$$x_{2max} = -\frac{2F_{эл}}{\pi ER}. \quad (9)$$

(9) ифодани $F_{эл}$ га нисбатан ечиб ҳамда $F_T = -F_{эл}$ га тенг эканлигини ҳисобга олиб, қуйидаги ифодани ҳосил қиламиз

$$F_T = \frac{\pi ER}{2} x_{2max}. \quad (10)$$

Соя дуккакларининг максимал деформацияси $x_{2max} = 0,0018 m$, ўртача мидал радиуси $R = 0,0045 m$ ва эластиклик модулининг ҳисобланган қиймати $E = 0,62 MPa$ ни (10) ифодага қўйиб, соя уруғини дуккакларидан ажратиб олиш учун талаб этиладиган таъсир кучининг максимал қиймати $F_T = 7,9 N$ га тенг бўлишини топамиз.

Ғовак цилиндрнинг диаметрини асослаш. Дуккакли соя поялари узатиш новидан ғовак цилиндрга келиб тушганда, савағичлар уларни цилиндрнинг ичига тортиш билан бирга, уруғларни дуккаклардан ажратиб олиш учун ҳам хизмат қилади. Шунинг учун савағичларни дуккакли соя поялари ва уруғлари билан ўзаро таъсирлашиш жараёнида уларнинг узунлиги муҳим рол ўйнайди.

Савағичларнинг узунлигини қуйидаги ифода орқали аниқлаш мумкин

Савағичлар томонидан дуккакларга кўрсатилаётган таъсир кучи F_T натижасида ҳосил бўлган сиқадиган куч momenti $M(y_2)$ ва сферасимон шаклдаги соя дуккагининг инерция momenti $J(y_2)$ орасидаги ўзаро боғлиқлик тенгламаси қуйидагига тенг бўлади

$$\frac{EJ(y_2)d^2x_2}{dy_2^2} = M(y_2), \quad (7)$$

бунда E –соя дуккагининг эластиклик модули, Pa ; x_2 –соя дуккагини x ўқи бўйича деформацияси, m ; y_2 – соя

$$l_k = \frac{1}{\sqrt{V_B^2 \cos^2 \alpha + (g\tau + V_B \sin \alpha)^2}} \times \frac{F_T \check{S} Z_k l_c d_c}{2\pi m_c b_y (V_k - \sqrt{V_B^2 \cos^2 \alpha + (g\tau + V_B \sin \alpha)^2})}, \quad (11)$$

бунда \check{S} –соя уруғини дуккакларидан ажралиш вақтигача босиб ўтган йўли, м; Z_k –валга кетма-кет маҳкамланган савағичлар сони, дона; m_c –узунлиги l_c га тенг бўлган дуккакли соя поясининг массаси, kg; V_k –уруғларни савағичлар таъсиридан кейинги тезлиги, м/с.

(11) ифодага $V_B=0,45$ м/с, $V_k=6,85$ м/с, $\alpha=33^\circ$, $b_y=0,2$ м, $\tau=0,53$ с, $g=9,81$ м/с², $F_T=7,9$ N, $\check{S}=0,0172$ м, $Z_k=18$ дона, $l_c=0,4$ м, $m_c=0,021$ kg ва $d_c=0,034$ м ни қўйсақ, валга винтсимон шаклда маҳкамланган савағичларнинг узунлиги $l_k=0,165$ м га тенг бўлиши келиб чиқади.

Савағичларнинг узунлигини билган ҳолда, ғовак цилиндрнинг диаметрини қуйидаги ифода орқали топиш мумкин

$$D \geq 2(r_g + l_k + b), \quad (12)$$

бунда r_g –валнинг радиуси, м; b –соя уруғининг эни, м.

(12) ифодадан кўриниб турибдики, ғовак цилиндр диаметри валнинг радиуси, савағичларнинг узунлиги ва соя уруғининг физик-механик хоссасига боғлиқ экан. Агар $r_g=0,025$ м, $l_k=0,165$ м ва $b=0,00662$ м га тенг бўлса, ғовак цилиндрнинг диаметри $D \geq 0,393$ м ни ташкил этиши керак экан.


Ғовак цилиндрга ўрнатилган валнинг узунлигини асослаш. Валга маҳкамланган Z_k савағичнинг ҳар бири соя уруғига V_k тезлик беради ва улар кетма-кет жойлашган савағичлар орасидан бир хил вақт t_n да ўтади деган шартдан келиб чиқиб, унинг узунлигини қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$L_g \geq \frac{2\pi l_k}{V_{c\check{e}}} \sqrt{V_B^2 \cos^2 \alpha + (g\tau + V_B \sin \alpha)^2} + \frac{F_T \check{S} Z_k l_c d_c}{b_y V_{c\check{e}} m_c \sqrt{V_B^2 \cos^2 \alpha + (g\tau + V_B \sin \alpha)^2}}. \quad (13)$$

(13) ифодага асосан соя дуккагининг физик-механик хоссалари ва экспериментал тадқиқотларда олинган натижалардан фойдаланиб, савағичларнинг сони $Z_k=18$ дона, ғовак цилиндр ичига ўрнатилган валнинг айланишлар сони 400 r/min ҳамда савағичларнинг чизиқли тезлиги $V_{c\check{e}}=7,9$ м/с га тенг деб қабул қилинса, ғовак цилиндрга ўрнатилган валнинг узунлиги $L_g \geq 0,897$ м ни ташкил этиши келиб чиқади.

Диссертациянинг “**Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш усуллари ва натижалари**” деб номланган тўртинчи бобда соя уруғини дуккакларидан ажратиш олиш учун қурилманинг тажриба нусхасини ишлаб чиқиш ҳамда унинг конструктив ўлчамлари ва иш режимларининг мақбул қийматларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш усуллари ва натижалари келтирилган.

Қурилманинг тажриба нусхасини ишлаб чиқиш натижаси. Ўтказилган назарий тадқиқотларда олинган натижалар, ишлаб чиқилган “Дастлабки талаблар” ва “Техник топшириқ”лар асосида соя уруғини дуккакларидан ажратиш олиш учун қурилманинг тажриба нусхаси тайёрланди (7-расм).




а) ён томондан кўриниши; б) олд томондан кўриниши
 1—узатиш нови; 2—говак цилиндр; 3—чиқиш туйниги; 4—рама; 5—сеткали мослама;
 6—электродвигатель; 7—ҳимоя воситаси

7-расм. Қурилманинг тажриба нусхасини умумий кўриниши

Қурилмани иш сифат кўрсаткичларига валнинг айланишлар сони таъсирини аниқлаш натижаси. Қурилмани иш сифат кўрсаткичларига валнинг айланишлар сони таъсирини аниқлаш учун унинг айланишлар сони 50 r/min оралиқ билан 300 r/min дан 500 r/min гача ўзгартирилиб, соя уруғини дуккакларидан ажратиб олиш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказилди.

Олинган натижалар асосида соя уруғини дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги ва уларнинг шикастланиш даражасини валнинг айланишлар сонига боғлиқ ўзгариш графиклари қурилди (8-расм).




8-расм. Уруғларни дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги (T) ва шикастланиш даражаси (Π) ни валнинг айланишлар сони (n) га боғлиқ ўзгариши

8-расмда тасвирланган эгри чизикларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, соя уруғини дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги юқори бўлишини таъминлаш ҳамда уларнинг шикастланиш даражасини камайтириш учун, кейинги тадқиқотларда валнинг айланишлар сонини 400 r/min атрофида қабул қилиш керак экан. Валнинг айланишлар сонини ушбу қийматдан ошиши ёки камайиши соя уруғини дуккакларидан ажратиб олиш технологик жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Қурилмани иш сифат кўрсаткичларига савағичлар сони таъсирини аниқлаш натижаси. Валнинг маълум айланишлар сонига унга

маҳкамланган савағичлар сони ҳам соя уруғини дуккакларидан ажратиб олиш технологик жараёнига ўзининг таъсирини кўрсатади. Шунинг учун валга бири-бирига нисбатан бир хил масофа билан ва 90° бурчак остида 9; 12; 15; 18 ва 21 дона савағичлар маҳкамланиб, экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Олинган натижалар асосида соя уруғини дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги ва уларнинг шикастланиш даражасини савағичлар сонига боғлиқ ўзгариш графиклари қурилди (9-расм).

9-расмда тасвирланган эгри чизикларнинг таҳлиliga асосан, соя уруғларини дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги юқори ва уларни шикастланиш



9-расм. Уруғларни дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги (T) ва шикастланиш даражаси (II)ни савағичлар сони (Z)га боғлиқ ўзгариши

165 mm гача ораликда ўзгартирилди.

Кўп омилли экспериментал тадқиқотларни баҳолаш мезони сифатида уруғларни дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги ҳамда уларни шикастланиш даражаси қабул қилинди. Олинган натижаларга компьютерларда мавжуд бўлган дастурлар асосида қайта ишлов берилди ҳамда коэффицентларнинг аҳамиятлилигини баҳолаган ҳолда, соя уруғини дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги ва уларнинг шикастланиш даражасини адекват ифодалайдиган куйидаги регрессия тенгламалари олинди:

– уруғларни дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги бўйича

$$Y_1 = 96,563 + 5,967 X_1 + 4,8 X_2 + 1,467 X_3 - 2,563 X_1^2 + 1,792 X_1 X_2 - 0,708 X_1 X_3 - 1,729 X_2^2 - 2,79 X_3^2, \% \quad (14)$$

– уруғларни шикастланиш даражаси бўйича

$$Y_2 = 1,431 + 0,863 X_1 - 0,510 X_2 - 0,387 X_3 + 0,562 X_1^2 + 0,317 X_1 X_3 + 0,462 X_2^2 + 0,275 X_2 X_3 + 0,113 X_3^2, \% \quad (15)$$

(14) ва (15) регрессия тенгламаларини соя уруғини дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги $Y_{1\max} \geq 98,0$ фоиз ва уларнинг шикастланиш даражаси $Y_2 < 2,0$ фоиздан камга интилиш шarti бўйича ечиш технологик жараёнга таъсир кўрсатадиган асосий омилларнинг мақбул қийматларини аниқлаш имконини берди. Унга асосан, таклиф қилинаётган қурилмада соя уруғларини дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги юқори ва уларнинг шикастланиш даражасини паст бўлиши валнинг айланишлар сони 400 r/min, савағичлар сони 18 dona ва савағичларнинг узунлиги 165 mm га тенг бўлганда таъминланади. Омилларнинг ушбу қайд қилинган мақбул қийматларида соя уруғини дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлиги 98,3 фоиз ва шикастланиш даражаси 1,4 фоизни ташкил этади.

Диссертациянинг “**Қурилмани синаш натижалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари**” деб номланган бешинчи бобида қурилманинг техник таснифи, синовлардан ўтказиш ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш натижалари келтирилган.

Ишлаб чиқилган қурилманинг синов натижалари шуни кўрсатдики, у меъёрий ҳужжатларда келтирилган талабларга тўлиқ мос келади.

Таклиф қилинаётган қурилмадан фойдаланилганда, уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш жараёнида қўл меҳнатига нисбатан иш унуми ошиб, бир тонна соя уруғини дуккакларидан ажратиб олишдан 404649 сўм иқтисодий самарага эришилади.

ХУЛОСА

“Уруғлик сояни дуккакларидан ажратадиган қурилмани ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари асосида қуйидаги хулосалар ва таклифлар тақдим этилди:

1. Дуккакли экинлар уруғчилигини тўғри ташкил этиш ва сарф-ҳаражатларни камайтиришга уларнинг дуккакларидан донларини агротехник талаблар даражасида ажратиб олиш учун тузилиши жиҳатдан содда қурилмани ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш орқали эришилади.

2. Валга винтсимон шаклда маҳкамланган савағичлар томонидан соя дуккакларига кўрсатиладиган таъсир кучининг минимал қиймати 4,3 N га тенг бўлганда соя дуккаклари 0,0011 m га деформацияланади ва улардан уруғлари ажратиб олиниб, технологик жараён бажарилади. Таъсир кучининг қийматини ушбу кўрсаткичдан камайиши технологик жараённи амалга ошмай қолишига олиб келади.

3. Узатиш новининг қия қисмини узунлиги 0,47 m га тенг бўлиб, унда дуккакли соя пояларини ҳаракатланиш вақти 2,1 s ва тик қисмига тушиш тезлиги 0,45 m/s ни ташкил этганда уруғлик сояни дуккакларидан агротехник талаблар даражасида ажратиб олишни таъминлаш мумкин.

4. Уруғлик сояни дуккакларидан агротехник талаблар даражасида ажратиб олиш учун уларнинг эластиклик модули 0,62 МПа, ўртача радиуси 0,0045 m ва максимал деформацияланиши 0,0018 m га тенг бўлганда, савағичлар томонидан кўрсатиладиган таъсир кучининг максимал қиймати 7,9 N дан ортиб кетмаслиги керак. Таъсир кучининг қийматини ушбу кўрсаткичдан ортиб кетиши уруғларни шикастланиш даражасини кўпайтириб, технологик жараёнга салбий таъсир кўрсатади.

5. Валнинг айланишлар сони 400 r/min, унга маҳкамланган савағичлар сони 18 dona ва узунлиги 165 mm ни ташкил этганда, уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш тўлиқлигини юқори ва уларнинг шикастланиш даражаси паст бўлиши таъминланади.

6. Ишлаб чиқилган қурилмадан фойдаланилганда, уруғлик сояни дуккакларидан ажратиб олиш жараёнида қўл меҳнатига нисбатан иш унуми ошиб, бир тонна уруғни ажратиб олишдан 404649 со'м иқтисодий самарага эришилади.

7. Кейинги илмий-тадқиқот ишларини қурилманинг технологик иш жараёнини такомиллаштириш ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари уруғи ва дуккакли экинлар донини сифатли ажратиб олишга йўналтириш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

ПАРДАЕВ ОБИД РАХИМБОБОВЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА И ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ УСТРОЙСТВА ДЛЯ
ОТДЕЛЕНИЯ СЕМЕННОЙ СОИ ОТ БОБОВ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.2.PhD/T1206.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу: www.uzmei.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Росабоев Абдукодир Тухтакузиевич
кандидат технических наук, с.н.с.

Официальные оппоненты:

Астанакулов Комил Дуллиевич
доктор технических наук, профессор

Абдурахманов Абдукарим Атхамович
кандидат технических наук, с.н.с.

Ведущая организация:


**Центр по сертификации и испытанию
сельскохозяйственной техники и технологий**

Защита диссертации состоится «25» августа 2021 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.05/13.05.2020.T.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+998)70-601-07-04, факс: (+998)70-601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 450). Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+998)70-601-07-04, факс: (+998)70-601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Автореферат диссертации разослан «13» августа 2021 года
(Протокол рассылки № 12 от «13» августа 2021 года)




М.Т. Тошболтаев
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

А.А. Ибрагимов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., с.н.с.

А.Тухтакузиев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одно из ведущих мест занимают разработка и внедрение в практику энергосберегающих, а также высокопроизводительных технологий и устройств для отделения семян сельскохозяйственных культур от колосков и бобов. Если учесть, что «В последние десять лет площадь посевов сои в мире в среднем выросла на 1,7 % ... и составляет свыше 122 миллионов гектаров»¹, то правильная организация семеноводства сои является одной из важных задач. В связи с этим особое внимание уделяется разработкам энерго-и ресурсосберегающих и с высоким качеством работы технических средств для отделения семенной сои от бобов на уровне агротехнических требований.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических основ ресурсосберегающих технологий и устройств, осуществляющих отделение семян сельскохозяйственных культур от колосков и бобов. В этом направлении, одним из актуальных вопросов является, в частности, разработка устройства для отделения семенной сои от бобов и ведение целенаправленных научных исследований по обеспечению ресурсосбережения в технологическом процессе его работы. Исходя из вышеизложенного, разработка устройства для отделения семенной сои от бобов на уровне агротехнических требований, а также обоснование конструктивных параметров и режимов его работы имеет важное научно-техническое значение.

В сельскохозяйственном производстве республики проводятся широкомасштабные мероприятия по снижению затрат труда и энергии, экономии ресурсов, в процессе отделения семян сельскохозяйственных культур от колосков и бобиков. На основе передовых технологий и разработки высокопроизводительных устройств, планомерно ведутся работы по созданию технических средств, обеспечивающих качественное выполнение всех технологических процессов при отделении семенной сои от бобов с наименьшими трудовыми и материальными затратами. Исходя из этого, в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечены следующие задачи: « ... Модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства: широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»². При выполнении намеченных задач одной из важных является грамотная организация производства семеноводства зернобобовых культур с технической и технологической модернизацией устройств для отделения семян, в частности, семенной сои от бобов на уровне агротехнических требований.

¹ <https://yogmoy.uz/ru/post/view?slug=soa-bozorining-202021-jil-mavsu-mi-prognozi-rossia-va-zaon>.

² Указ президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Данное диссертационное исследование в определенной степени направлено на выполнение задач, предусмотренных в Указе Президента Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлениях ПП-2694 от 23 декабря 2016 года «О мерах дальнейшего реформирования и развития научно-технической базы сельского хозяйства в период 2016-2020 гг.», ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах дальнейшего развития научно-технической базы машиностроительной отрасли в сельском хозяйстве» и ПП-3683 от 27 апреля 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы семеноводства в Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

